

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҲАЙДАРОВА МАРҒУБА ИНЪОМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚИШ ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ  
МИЛЛИЙ ОДОБ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган- 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Ҳайдарова Марғуба Инъомовна**

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб  
кўникмаларини ривожлантириш методикаси ..... 3

**Хайдарова Марғуба Иномовна**

Методика развития национальных навыков приличия на уроках чтения у  
учащихся начальных классов ..... 23

**Khaidarova Marguba Inomovna**

Methodology for the development of national decency skills in reading lessons for  
primary school students..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати.**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 49**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**  

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҲАЙДАРОВА МАРҒУБА ИНЪОМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚИШ ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ**  
**МИЛЛИЙ ОДОБ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган- 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1832 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эркабоева Нигора Шерматовна  
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Матчонов Сафо  
педагогика фанлари доктори, профессор

Собирова Махбуба Юсуфжоновна  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Жиззах давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» XI соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81. e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)

Диссертация автореферати 2022 йил «1» XI кун тарқатилди.  
(2022 йил «1» XI даги 22 рақамли реестр баённомаси)



  
Т. Файзуллаев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
Ш.Х.Хўжамбердиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, педагогика фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
К.М.Боймирзаев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, г.ф.д.(DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳар бир миллат педагоглари томонидан ўз ворислари – ёшлари маънавиятини юксалтириш, миллий ўзлигини англаш туйғусини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат, одоб-ахлоқ тушунчаларини тарғиб этиш борасида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бундай жараёнларларда кичик ёшдаги болаларнинг бадиий асарлар орқали бошланғич билим ва тушунчаларини эгаллаши учун бажарилаётган тадқиқотларнинг амалий томонлари асосий ўринга қўйилмоқда. Хусусан, ҳар бир миллат учун одоб-ахлоқ, маънавият, миллий ўзликни англаш йўлидаги олиб борилаётган ҳар қандай педагогик йўналишдаги амалиётлар умумжаҳон миқёсида умумлаштирилиши натижаси-да кўп жиҳатдан умуминсоний таълим-тарбия жараёнларнинг мукамаллашувига ҳамда умумийлашувига олиб келади. Шунинг учун ҳам педагогик ва аксиологик ёндашув асосида чинакам маънавиятли ва маърифатли, халқона қадриятлар ҳамда миллий ўзликни тўғри англаган эркин ва фидоий ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш заруратини тақозо этмоқда.

Дунё таълим-тарбия соҳасида ҳар бир миллатнинг ўзига хос этник ва миллий-менталитети хусусиятларидаги тушунчалар энг аввало бадиий асарлар - китоблар воситасида сингдирилади. Ҳар қандай миллатнинг одоб-ахлоқи ўзлигини англаши, эркин ва озодлиги ўзгаларга қарам бўлмаган миллат сифатида дунё ҳамжамияти орасида обрў-эътиборга эгаллиги, халқаро муносабатларда ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш салоҳиятини белгилаб беради. Миллийлик тушунчаларини англаш жараёни эса, энг аввало, кишиларнинг китоб мутолаа қилишидан бошланади, яъни, киши ўз насл-насаби, аجدодлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсагина уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳозирги кунда бадиий асарлар орқали таълим жараёнларининг дидактик асосларини миллий одоб тамойили асосида фундаментал ва амалий билимлар негизида такомиллаштириш муҳим амалий аҳамиятли долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларни соғлом фикрлайдиган, ғурурли, ор-номусли, халқнинг мақсади ва орзу умидларини рўёбга чиқишига куч топа оладиган, ўз миллати келажаги учун ҳаракат қила оладиган комил инсонлар қилиб тарбиялаш педагогик тизим олдидаги асосий ва энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, аввало, бошланғич синф ўқувчиларини бадиий асарлар орқали, уларнинг турли шакл-шамойилга эга воситалари билан миллий одоб кўникмаларини шакллантириш, сўнгра уларни ривожлантириш масалалари белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши шарт бўлган қисмидан биридир. Шу сабабдан бугунги кун таълим тизимида ёш авлодга аксиологик ғоялар сингдирилган, миллийликни тарғиб қилувчи бадиий асарлар орқали таълим бериш, уларни миллий ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бошланғич синф ўқувчиларига таълим жараёнларида бадиий асарлардаги миллий-ахлоқий одоб

тушунчаларини миллий-менталитетга хос ёндашувлар асосида ўргатишни ташкил этилиши одоб кўникмалари ривожлантирилишининг такомиллашган шакли ва босқичига эришувини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда миллий ва маънавий тушунчаларни такомиллаштириш бўйича Э.Юсупов, И.Жабборов, М.Қуронов, К.У.Нажмиддинова, Б.М.Ҳамроқулова, М.О.Иномова ва М.Холматова, С. Матчонов, А.Бегматов, М.Отажонов, О.Мусурмонова, У.Йўлдошев, Ш.Уринова, М.Бекмуротов ҳамда А.Абдуллаевалар томонидан тадқиқ этилган. Бола тарбиясида шарқ халқлари ичида ўзбек халқи ўзига хос мактаб ярата олган. Илмий изланишларимиз жараёнида миллий одоб нима эканлиги, унинг амалий аҳамияти ҳақида айтиш пайтда миллий ахлоқий тарбияга оид педагогик, психологик, фалсафий ва турли нуқтаи назарлардан ҳар хил йўналиш ва мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борган замондош олимларнинг илмий изланишлари ҳам мазкур тадқиқотнинг дунёга келишига туртки бўлиб, унда қўйилган муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос кўмак берди. Жумладан, Г.А.Холбоевнинг илмий изланишларида Ўзбек халқ оғзаки ижоди бадиий асарларлар таҳлили воситасида ўқувчиларда миллий кадриятларни шакллантириш масалалари асослаб берилган, У.С.Шерматовнинг тадқиқот ишида эса “Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий адабий-бадиий манбаалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланиб, ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг илмий педагогик асосларининг дидактик таъминоти такомиллаштирилган. Д.А.Мўминовнинг “Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги тадқиқот ишида бошланғич синф ўқувчиларида

китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришда самарали бўлган бир қатор технологиялар тадқиқ этилган. У.Қ.Мақсудовнинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими” мавзусидаги тадқиқот ишида эса бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)да Е.П.Верченко, М.Захариас Э.Марк, В.А.Луков, А.В.Павловская, Н.С.Розов, Ю.В.Смирнова, А.Н.Тесленко, А.Е.Фирсова, И.В.Гудинова, Н.И.Ковалевская, Л.И.Петрова, Н.Н.Сметанникова, Л.Н.Чернышева, В.П.Чудинова кабиларнинг ишларида миллий ҳамда байналмилаллик тарбияси, А.А.Иванов, Н.Н.Житомирова, Ю.В.Любезнова, Н.В.Черникова кабиларнинг илмий ишларида бадий асарларнинг тарбиявий аҳамияти, шахс камолотига таъсири, бадий асарлар воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг моҳияти очиб берилган.

Хорижий давлатларда В. Darling, Yu. B. Bromley, N. Federico R. Neiburg, M. Giffert, W. Michael, F. Verheul ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий изланишларда миллий тарбияни ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Бироқ, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш ҳозирги кунга қадар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ва мазкур мавзу комплекс тадқиқ этилмагани боис мазкур мавзу билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтининг “Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларида бадий асарларлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаштириш;

ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тузилмасини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида бадий асарларлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одобни кўникмаларини ривожлантириш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одобни кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот жараёнида назарий (қиёсий, таҳлилий), диагностик (кузатиш, суҳбат, сўровнома), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, умумлаштириш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ўқиш саводхонлигини оширишга йўналтирилган ва матнни тушуниш даражаси қулайлигини таъминловчи аутентик (оммабоп) ўқув материалларининг менталлик хусусиятлари устуворлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилган;

ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тузилмаси функционал саводхонликни оширишга доир матнларнинг умумий мазмунини тушуниш, талқин қилиш (интерпретация), рефлексив муносабат билдириш каби даражаларнинг Блум таксономияси билан идентивлик жиҳатининг продуктивлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарларлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш моделининг амалий компоненти анъана ва қадриятлар билан боғлиқ матнларни эмоционал, функционал, рационал, ижодий тарзда ўқишни рағбатлантирувчи интерактив ўқитиш технологияларининг (кичик гуруҳларда ишлаш, коммуникатив-когнитив, шахсга йўналтирилган) визуаллик даражасини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган;

ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминоти матнни тушуниш даражасини мунтазам ўсиб бориш динамикасини назорат қилиш имконини берувчи очик, ёпиқ, ижодий, муқобилини танлашга доир тестларни умумаданий компетенция элементларга мувофиқ адаптив лойиҳалашнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бошланғич синф ўқувчиларида “миллий одоб” тушунчасининг генезиси ва моҳияти бадиий асарлар воситасида классификацияланган;

ўқиш дарсларида миллий урф-одат ва анъаналарнинг таълим-тарбия жараёнида қўллаш усуллари модуллаштирилган бир соатлик очик дарс ишланмаси кўринишида тавсия этилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва долзарб муаммолари таҳлил қилинган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришда ўқиш дарсларидан фойдаланиш механизмларининг жорий қилинганлиги ҳамда ўқувчиларда миллийлик тушунчаларини англашнинг даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришга оид методик тавсиялардан педагогик фанлар мазмунини бойитишда фойланилганлиги, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари, қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий тайёргарлигини оширишга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш методикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини ўқиш саводхонлигини оширишга йўналтирилган ва матнни тушуниш даражаси қулайлигини таъминловчи аутентик ўқув материалларининг менталлик хусусиятлари устуворлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштиришга доир таклифлардан бошланғич синфлар учун она тили ва ўқиш саводхонлиги бўйича Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 11 февралдаги 01/11-02/02-164-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида функционал ўқиш саводхонлигини ривожлантиришнинг дастурий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик тузилмасини функционал саводхонликни оширишга доир матнларнинг умумий мазмунини тушуниш, талқин қилиш, рефлексив муносабат билдириш каби даражаларнинг Блум таксономияси билан идентивлик жиҳатининг продуктивлигини таъминлаш асосида аниқлаштириш, бошланғич синф ўқувчиларида бадиий асарларлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш моделининг амалий компонентини анъана ва кадриятлар билан боғлиқ матнларни эмоционал, функционал, рационал, ижодий тарзда ўқишни рағбатлантирувчи интерактив ўқитиш технологияларининг визуаллик даражасини кенгайтириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан педагогик фанлар мазмунини бойитишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг

2022 йил 11 февралдаги 01/11-02/02-164-сон маълумотномаси). Натижада, миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришга доир матнлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ўқиш дарслари орқали ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминотини матнни тушуниш даражасини мунтазам ўсиб бориш динамикасини назорат қилиш имконини берувчи очиқ, ёпик, ижодий, муқобилини танлашга доир тестларни умумаданий компетенция элементларга мувофиқ адаптив лойиҳалашнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 1-2-синф “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 11 февралдаги 01/11-02/02-164-сон маълумотномаси). Натижада, ўқиш дарслари орқали бошланғич синф ўқувчиларининг миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола; шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий одоб тушунчаси ва унинг ижтимоий ҳаётдаги тутган ўрни, шу билан бирга бошланғич синф ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг методологик асослари тадқиқ этилган. Мазкур бобда одоб, ахлоқ ва тарбия тушунчаларини ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, ахлоқ кишиларнинг хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, уларнинг ўз-ўзи, бошқа кишилар, меҳнат ҳамда жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига оловчи ижтимоий онгнинг алоҳида бир шакли эканлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур тушунча тарихий хусусиятга эга бўлиб, кишилик жамиятида авлодлар

томонидан тўпланган ахлоқий тажрибалар ва муносабатлар бадий адабиётларда ўз аксини топади. Ўз навбатида бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилганлиги таҳлил этилган.

Инсоннинг баркамоллиги унинг маънавий дунёсини юксак даражаси билан белгиланади. Шарқда ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабалрудийнинг китоб ҳақидаги қуйидаги фирқларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан ҳоли ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳам дамки, сўзларида ёлгон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малолли кетмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сикмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Шунинг учун ҳам “Китоб ақл қалъасидир”<sup>1</sup>. Бадий асарлар – бошланғич синф ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришга кўмак берувчи, ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб турувчи восита эканлиги атрофлича ёритилган.

Таълим-тарбия узлуксиз, муайян мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, унда баркамол шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Демак, педагогик жараённинг асосий мақсади баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Бу борада ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг асосий воситаси бўлган ўқиш дарсларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш орқали уларни мулоҳазали, юксак билимли ва тафаккурга эга шахс сифатида тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам оилада, мактабгача тарбия муассасаси ва мактабларда болаларнинг китобга меҳрини, адабиётга қизиқишини ошириш билан бирга ўзбек миллий менталитетига хос бўлган характер хусусиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ота-оналарнинг ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаси бадий асарлар воситасида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришдир.

Бошланғич синф ўқиш дарсликларида берилган барча ҳикоялар, эртаклар, шеърлар, дostonлардан парчалар, масаллар, мақоллар, топишмоқлар, матнлар ўқувчиларни ҳар томонлама миллий одоб руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Масалан 1-2-синфлар учун янги миллий дарслик Она тили ва ўқиш саводхонлиги дарслигида, 3-4-синф ўқиш дарсликларида келтирилган матнлардан тортиб ҳикоя, эртак, шеър ва мақолларнинг барчаси

---

<sup>1</sup>Машриқ замин-ҳикмат бўстони. -Тошкент, 1997. 39-бет.

ўқувчи китобхонни ҳар томонлама одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

1-2-синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарслигида “Менинг оилам”, “Вақт қадр”, “Ҳошимжоннинг оиласи”, “Наврўз таронаси”, “Яшил сайёра”, “Асалари қандай боқилади”, “Оқ теракми, Кўк терак?”, “Ланка”, “Мешполвоннинг ўйинлари”, “Биринчи китобим”, “Нон олиб кедим”, “Меҳмон бўлиш одоби”, “Текинхўр”, “Ватанпарварлик нима?”, “Чумолининг жасорати”, “Катта бўлсам Нобел мукофотини оламан”, “Мактабим иккинчи уйим”, “Энг яхши совға”, “Маҳалла – ота-она”;

3-4-синф ўқиш дарсликларида “Ватан мадҳи”, “Яхшилик кетидан яхшилик келади”, “Ўқитувчининг ўғитлари”, “Китоб, менинг дўстимсан”, “Она тилим”, “Ҳунарни сев”, “Қутадғу билиг” ҳикматлари, “Жалолиддин Мангуберди”, “Бахилнинг ёмонлиги”, “Чиллак”, “Читтигул”, “Ҳалоллик”, “Аҳиллик – улуғ неъмат”, “Харита”, “Одамдан нима қолади”, “Китобга ихлос” ва шу каби кўплаб матн, шеър, ҳикоя, эртақ, мақоллар берилган. Буларнинг барчаси ҳар бир ўқувчини ота-онани, ватанни, оилани, маҳаллани севиб, асраб-авайлашга, кадрлашга дўстга содиқлик, китобга ихлос, муҳаббат, табиатни муҳофаза қилиш, ҳунарли бўлиш, касб танлаш орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида миллий одоб-ахлоқ тарбияси ёш авлодларда ўз ҳамда ўзга халқларга ҳурмат, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот одоби каби фазилатларни шакллантиради ҳамда ўзбек халқини маънавий ва моддий жиҳатдан бой миллатга айлантиришга хизмат қилади. Ушбу тушунчаларни эса бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқиш дарслари орқали сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада халқимизда болаларни одобга ўргатишнинг шундай кўринишлари мувжудки, уларни бошланғич синфларда миллий одоб тушунчаларини ривожлантиришда қўл келади. Ўзбекларда аввал саломлашиб, кейин сўз бошлаш, ўзбек халқида “яхши”, “ёмон” деб баҳоланувчи ҳулқ намуналарини чуқур билиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз аждодлари ва оила шаънини сақлаш, поклик, хушмуомалалик, яқин кишиларга эътиборлилик, ҳар бир ишни катталар билан маслаҳатлашган ҳолда бошлаш, самимийлик, турли маросимларда ўзини тутиши, ўтган аждодлар тажрибасини англаш, ўзидан кичикларга ғамхўрлик қила билиш, қиз болаларни авайлаб эъзозлаш, ўғил болаларни ғурурли, мард, шижоатли сифатларига эгалликлари, оилавий турмуш одобини эгаллаганлик, ҳис-туйғуларини вақтида жиловлай олиш каби хусусиятлар одоблилик белгиси ҳисобланган. Бу тушунчаларни ўқувчиларга ўқиш дарсларида берилган қатор асарлар орқали миллийлик ғояларини сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланиб ушбу бобда бошланғич синф ўқитувчилари олдига муҳим вазифалар: болани соғлом, ҳар томонлама – ақлий, маънавий-маданий етуклигини таъминлаш, унинг миллий маданий ва умумбашарий қадриятлар асосида камол топиши

учун замин яратади. Бугунги кунда техника асри техник воситалар тараққиёти юксалиб, кун сайин эҳтиёж ортиб бормокда. Хусусан, қўл телефонлари, турли интернет тизимини бунга мисол қилишимиз мумкин. Шу билан бирга ўқувчилар ахлоқ-одобига ҳам ўз таъсирини кўрсатмокда. Ўқиш дарслари орқали эса бадиий адабиётдан фойдаланиш, миллий менталитет тушунчаларини сингдириб бориш имкониятлари кенгроқдир. Бошланғич синфларда миллийлик, халқимизга хос бўлган анъаналар, урф одатлар акс эттирилган асарлар ҳар бир синфда кенг ёритилган. 1-4 синф ўқиш дарсликлари орқали адабиётнинг турли жанрларидан келтирилган мисоллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос холда танлаб олинган. Ўқувчилар синфда ва синфдан ташқари ўқиган эртақлар хикоялар ўрганган шеърлари мақоллардаги ижобий ҳислатларни ўзининг кундалик ҳаётида хулқида намоён эта олишига замин яратилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида тарбияли бўлиш бу хулқ-атвори н назорат қилишдан иборат. Бундай назорат ўқувчини салбий хатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлоқийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади. Миллийлик тушунчаларини ривожланиши ижтимоийлашувни ўрганиш жараёни сифатида қараладиган ёш психологиясида олинган натижаларга асосланади: ўқувчи ўзини эгоцентрик эмас, балки тарбияланганлик даражаси рағбатлантирилиши керак. Мазкур даврда ўқувчиларнинг ҳиссий идроки ривожланиб боради. Кейинчалик ўқувчининг идроки янада такомиллашиб, нафақат баъзи миллийлик хусусиятларини билиш, балки баъзи санъат асарларини эстетик жиҳатларини ҳам идрок этишни бошлайди. Ўқувчи атрофдаги ҳиссий таъсирни вужудга келтирувчи асарларни англаши орқали миллийлик тушунчалари такомиллашиб боради.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари аниқланди: назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш, бошланғич синф ўқиш дарсларида миллийлик тушунчаларини ўзлаштиришнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ўқувчиларга тушунчаларни етказа олиш, миллий тушунчаларни шакллантириш доирасида тажрибаларга таяниш, ўқилган асарлар бўйича саволлар тузиш ва жавоб топишга ўргатиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва шулар асосида хулоса чиқара олиш, асар мазмуни ва аҳамиятини тушунишни эгаллашлари кабилар.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий моделини ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш модели.**

Модел компонентлари ўзаро бир-бири билан мустаҳкам алоқадорликка эга бўлиб, ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Моделнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришдан иборат этиб белгиланди. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: 1) китоб ўқишга йўналтириш орқали миллийлик тушунчаларини англаш; 2) ривожлантирувчи машғулотларни ташкил этиш; 3) асар мазмунига доир топшириқларини ишлаб чиқиш.

Моделда методологик асос сифатида ўқувчиларда ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги тамойиллари белгилаб берилди: илмийлик; тизимлилик; ёш ва психологик хусусиятларни ҳисобга олиш; ўқувчиларда миллий одобга ўргатишнинг бир мақсадга йўналганлиги; ўқувчи шахсида миллий тушунчаларни ўзлаштиришини қарор топтириш; миллий одоб кўникмаларини такомиллаштиришга индивидуал ёндашув.

Моделнинг навбатдаги босқичи мазмунли компонент бўлиб, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш, берилган асар бўйича таҳлил қилишга ўргатиш; миллий одоб кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириш; ўқувчиларда асар бўйича фикрлашни шакллантириш имкониятини ҳосил қилиш масалаларини ўз ичига қамраб олган.

Моделнинг жараёнга доир компоненти ўзида қуйидагиларни акс эттирди: 1) лойиҳалаш (ўқиш дарсларидан миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш бўйича кутилган натижаларга эришишнинг педагогик механизмини ишлаб чиқиш); 2) ташкил этиш (шакл, метод ва воситаларни танлаш); 3) бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарсларида миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш учун субъектив ёндашувни қарор топтириш; 4) миллийлик тушунчаларини амалиётга татбиқ этиш ва диагностика қилиш; 5) ўқиш орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олиш кабиларни ўз ичига олади.

**“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг дастлабки даражасини диагностика қилишда 4- синф ўқувчилари иштирок этишди. Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 36-88 - сонли мактабларнинг, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 28-34-сонли мактабларининг, Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 15-18 -сонли мактабларнинг 4-синфлари, жами 295 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этишди.

Методик жиҳатдан тўғри амалга оширилган тадқиқот ишида ҳар бир бошланғич синф ўқувчисидан миллий одоб кўникмаларини ривожланганлик кўрсаткичларига эришиши мумкин. Баҳолаш мезонлари келтириб ўтилди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал****Ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожланганликни баҳолаш мезони**

Мезон	Кўрсаткичлар даражаси	Баллар
Ўқиш дарслари орқали миллийлик тушунчаларини англаши	Миллийлик тушунчаларини, одоб-ахлоққа доир маълумотларни таҳлил қила олади.	Юқори (4 балл)
	Ўқиш дарсларида миллий одоб-ахлоққа доир маълумотларни қисман таҳлил қилади.	Ўртача юқорида (3 балл)
	Ўқиш китобида берилган асарларда миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришга асос бўлувчи матнларни топа олиш даражаси	Ўртача (2 балл)
	Ўқиш дарслари орқали миллий одобга оид тушунчалар ривожланмаган	Паст даража (1 балл)

**2-жадвал****Ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантиришнинг баҳолаш мезони**

Мезон	Кўрсаткич даражаси	Балл
Ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожланганлик даражасини баҳолаш мезони	Асарнинг номланиши, асар бўйича саволларга тўғри жавоб бериш; ўқувчилар миллийлик акс эттирилган асарлар номини аниқ ва тўғри танлаши керак. Миллийлик одоб кўникмаларини ривожлантиришга оид саволларга нисбатан камроқ жавоб беради.	Ўртача юқори (3 балл)
	Асардаги вазиятни мантиқий тўла таҳлил қила олмайди. Фақат 4-6 саволлар жавоб бера олади.	Ўртача балл (2 балл)
	Миллий одоб-ахлоқ тушунчаларини таҳлил қила олмаслик. Саволларга қисман жавоб берди ёки умуман жавоб бермади.	Паст даража (1 балл)

Тажриба-синов ишлари олиб борилган таълим муассасаларида биринчи босқичда ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Иккинчи босқичда тажриба гуруҳларида ўқувчиларнинг умумий билим даражасини аниқлаш юзасидан, зарурий билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқдик. Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш давомида қуйидаги маълумотга эга бўлдик:

- юқори даражада билим ва кўникмаларга эга бўлган ўқувчиларни (7,3%) аниқладик. Улар маълум даражада билимларга эга бўлиб, миллий одоб тушунчаси бўйича асармазмунини таҳлил оладилар.

- назарий билим ва кўникмаларни ўртача ўзлаштирган ўқувчилар (25,8%). Улар ўртача даражадаги билимларга эга, аммо асарлар орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш бўйича материалларни тўла таҳлил қилишда қийналадилар;

- назарий билим ва кўникмаларни суст даражасини кўрсатувчи ўқувчилар (66,9%). Уларда назарий билимлар суст, асарлар бўйича миллий одоб тушунчаларини таҳлил қила олмайдилар. Тажриба-синов ишларидан



олдинги умумий кўрсаткичларни 3-жадвал ва диаграммаларда кўриш мумкин.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан олдинги умумий кўрсаткичларни 3 жадвал ва 4-жадваллар орқали тасвирлаймиз.

### 3-жадвал

#### Тажриба аввалида тажриба гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган	4-синф	100	11	11	33	33	54	54	100,00
Фарғона	4-синф	95	11	12	33	34	52	55	100,00
Андижон	4-синф	100	13	13	35	35	53	53	100,00
<b>Жами</b>		<b>295</b>	<b>35</b>	<b>12</b>	<b>101</b>	<b>34</b>	<b>159</b>	<b>54</b>	<b>100,00</b>

Тажриба-синов ишларидан олдинги назорат гуруҳларида ўтказилган ишлар натижаси 4-жадвалда акс эттирилган.

### 4-жадвал

#### Тажриба аввалида назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган	4-синф	100	12	12	29	29	58	58	100,00
Фарғона	4-синф	95	9	10	29	30	56	59	100,00
Андижон	4-синф	100	11	11	31	31	60	60	100,00
<b>Жами</b>		<b>295</b>	<b>32</b>	<b>11</b>	<b>89</b>	<b>30</b>	<b>174</b>	<b>59</b>	<b>100,00</b>

Математик-статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичда синов ва назорат гуруҳларида қайд этилган натижаларни танланмалар сифатида белгиланиб, юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлади. Тажриба аввалидаги натижалар умумлаштириб, қуйидаги жадвал кўринишида тақдим этилди (5-жадвалга қараганг).

### 5-жадвал

#### Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожланганлигини тажриба бошидаги кўрсаткичлари

Тажриба босқичлари	Тажриба гуруҳи (295 нафар респондент)			Назорат гуруҳи (295 нафар респондент)		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Тажриба аввалида:	159	101	35	174	89	32
Фоишларда:	54	34	12	59	30	11

Тажриба-синов ишларининг учинчи босқичида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожлантириш учун назарий билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникмаларини такомиллаштириш, мустақил фикрлаш салоҳиятларини ўстириш мақсадида интерфаол усулларни қўллаб, уларнинг фаолиятларини

янада ривожлантиришга ҳамда кўшимча назарий ва амалий билимлар беришга ҳаракат қилдик.

Тажриба-синов ишларидан назорат гуруҳларининг умумий кўрсаткичларини 6-жадвалда кўриш мумкин.

**6-жадвал**

**Тажриба сўнггидаги назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари**

№	Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
1	Наманган	4-синф	100	8	8	25	25	66	66	100,00
2	Фарғона	4-синф	95	6	6	25	26	62	66	100,00
3	Андижон	4-синф	100	7	7	27	27	69	69	100,00
	Jami		<b>295</b>	<b>21</b>	7	<b>77</b>	26	<b>197</b>	67	100,00

Тажриба-синов ишлари якунидага тажриба гуруҳи натижалари 7-жадвалда акс эттирилган.

**7-жадвал**

**Тажриба сўнггидаги тажриба гуруҳининг умумий кўрсаткичлари**

№	Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
1	Наманган	4-синф	100	37	37	49	49	13	13	100,00
2	Фарғона	4-синф	95	37	38	50	52	10	11	100,00
3	Андижон	4-синф	100	36	36	51	51	12	12	100,00
	Jami		<b>295</b>	<b>110</b>	37	<b>150</b>	51	<b>35</b>	12	100,00

6-7-жадваллардаги маълумотлар ўзаро таққосланиб қуйидагича умумлаштирилди (8-жадвалга қаранг).

**8-жадвал**


**Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш дарслари орқали миллий одоб кўникмаларини ривожланганлик даражасининг динамик ўсиши**

Тажриба босқичлари	Тажриба гуруҳи Ўқувчилар сони – 295 нафар			Назорат гуруҳи Ўқувчилар сони – 295 нафар		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Тажриба якунида	35	150	110	197	77	21
Фоизларда:	12	51	37	67	26	7

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичда тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган статистик кўрсаткичларни танланмалар сифатида

белгиланиб, баҳо кўрсаткичлари бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди.

Бу диаграммада қуйидаги кўринишга эга бўлди.



